

Mustahkam oila - yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

№ 49 (395)
2019 - yil
28 noyabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



МУАЛЛИМ —
келажакнинг
бунёдкори

2-бет



**«ИБРАТЛИ
ОИЛА»**
Мисрга боради

3-бет

ҲАЙВОНГА
паспорт
керакми?

2-бет



«ТЕЗ ЁРДАМ»га
ёрдам беринг!

5-бет



ОИЛА БАХТИ
нималарга
боғлиқ?

3-бет



**ИНТЕРНЕТ
ОРҚАЛИ
«БАХТ»
ОБЛАГАН
«ВЕЛНЧАК»**
ҚИСМАТИ

4-5-бетлар



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил учун **ОБУНА**

Обуна индекси — 193

УЙИНИГИЗГА БОРИБ
ОБУНА ҚИЛАМИЗ!
Тел.: 98 198-98-99
71 255-70-70

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан
чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Тел.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

МУАЛЛИМ – КЕЛАЖАКНИНГ БУНЁДКОРИ

«Инсон дунёқарашининг шаклланиши, унинг келажаги мактаб партасида ўтирган пайтидан қатъий бир йўсинга туша боради. Ўрганган билим ҳаётнинг келгусидаги паллалари учун нечоғли аҳамиятли экани, болага нималар бера олиши, унинг тақдирига қанчалик дахлдорлиги жуда муҳим хусусиятдир. Буни устоз-муаллимлар тўғри англаб етсагина таълимдан кўзда тутилган мақсадга эришиш имкони бор.

Баъзан ўнлаб фанлар орасида биргина ўқитувчининг сай-ҳаракати бола дунёқарашини кескин ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Алевтина Люкшина худди шундай фидойи ўқитувчилар сирасига киради. Унинг фани бола онгига муносиб тарзда етказиб бера олиши, ўз касбига ҳамда ўқувчиларга муносабати чинакам тажрибали ва билимдон устоз эканини кўрсатиб туради.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш бўйича ҳар ким ўз ҳиссасини қўшишга интиляпти. Жумладан, ўқитувчилар ҳам ўқувчилар билим-салоҳиятини ошириш учун турли интеллектуал тадбирлар, илмий беллашувлар ташкил этмоқда. Сабаби, ўқувчилар бундай машғулотларда дарсадагидан ҳам кўра кўпроқ рағбат билан иштирок этишади.

Ўттиз йиллик педагогик тажрибага эга ўқитувчи Алевтина Люкшина болалардаги бу рағбатни тўғри илғай олган моҳир педагогдир. Унинг дарсларни замонавий методлар асосида ўтиши, ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини олиб бориши, фидойи ва касбга бўлган жонқуярлигидан барча ўқитувчилар ўрнак олса арзийди. Албатта, мактаб директори Ирода Юлдашева буларнинг барчасида бош-қош, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун кенг имкониятлар ярати беришга ҳаракат қилади.

Алевтина Люкшина куни кеча 5-синф ўқувчилари билан жуда кизиқарли ва маълумотларга бой тадбир – «Нима? Қаерда? Қачон?» интеллектуал ўйинини ташкил этди. Жамоаларга бўлингун ўқувчилар манتيкий саволларга жавоб беришди. Тадбирга ташриф буюрган ота-оналардан бири



Тимур Таштанов Алевтина Люкшина ҳақида шундай дейди:

– Ушбу мактабда ҳозирда икки фарзандим ўқийди. Бир фарзандимнинг синф раҳбари Алевтина Николаевна. Шунингдек, ушбу мактабни тамомлаган катта кизим Малика ҳозирда хорижда тиббиёт соҳасида тахсил олмақда. Унинг кимё фанига қизиқиши ва фаннинг сир-асрорларини ўрганишида ўқитувчиларнинг хизмати бекиёс. Айниқса, Алевтина Николаевнанинг жуда хушмуомала, адолатли, ўқувчиларга бўлган чексиз меҳрини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Биз, ота-оналар, фарзандларимиз мана шундай билимли ва фидойи устоз қўлида таълим олаётганидан мамнунмиз.

Ўтган йили, ўқитувчилар байрами арафасида Ўзбекистон Президентининг фармонида асосан Алевтина Люкшина таълим соҳасида қилган хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти – «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Моҳир педагог бугунги кунда кимё фанини ўқитиш усуллари, шакллари ва технологияларини ўзлаштиришда изланишлар олиб бормоқда, замонавий жамиятда ҳар томонлама баркамол шахсини тарбиялаш бўйича жонбозлик кўрсатмоқда.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир муаллим ўз касбига фидойи, келажак авлодининг замон руҳида таълим-тарбия олишида кўмакдош бўлиб, ҳар бир дарсини масъулият билан олиб бора, вояга етаётган фарзандлар келгусида илмга чанқок, юртнинг эртасини ўйлайдиган, билим-салоҳияти ўткир авлод бўлишига шубҳа йўқ. Шу маънода, эртанги кунимизнинг қандай қурилиши келажак бунёдкорларига таълим-тарбия бераётган ана шундай фидойи муаллимлар қўлида эканини унутмаслик зарур.

Замира ЗАЙНИДИНОВА,
Сергели туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

Ислохот

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗГА СУВ КЕЛАДИ (МИ?)

Ўзбекистон Президентининг «Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи сув таъминоти давлат унитар корхоналари негизида ушбу корхоналарни масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта тузиш орқали «Ўзсув-таъминот» АЖ ташкил этилди.

Сув таъминоти тизимини такомиллаштириш бўйича ишларни изчил давом эттириш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш ва мамлакатнинг ичимлик суви таъминоти ва сув чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида бир қатор муҳим ва долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Эшитдингизми?

ҲАЙВОНГА ПАСПОРТ НИМА УЧУН КЕРАК?

Ижтимоий тармоқларда чорва молларига паспорт бериш ҳақидаги хабарлар турлича қарши олинмоқда. Аслида, бу нарса нима учун керак?

– Бу ҳайвоннинг шахсини, пропискаси ва фуқаролик ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат эмас, дейди Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши вакили Зайниддин Файзуллаев ўЗА мухбирига берган интервьюсида. – Балки, ветеринария паспорти – идентификация қилинган ҳайвонларга расмийлаштирилган, ҳайвон эгасини белгиловчи, ҳайвонларнинг касалликларга қарши профилактикаси ва уларни даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат ҳисобланади. Ҳайвонларнинг касалликларга қарши эмланганлигини тасдиқлаш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш ва рўйхатга олинган ҳайвонлар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантиришда паспорт расмийлаштириш жуда ҳам муҳим ва бир қанча муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳар бир уй ҳайвонини ҳисобга олиш, унинг саломагини назорат қилиш орқали озик-овқат хавфсизлиги таъминланади. Яъни ҳар бир ҳайвон тури туғилганда идентификация қилиниб, рўйхатга олинади, унинг қандай касалликларга чалингани, қачон эмлангани, қайд этиб борилади. Шу тариқа савдо дўконларидан ўтish маҳсулотлари харид қилётганда уларнинг «тарихи»дан ҳам бохабар бўламиз.

БИЛАСИЗМИ?

АЛИМЕНТ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Вояга етмаган болага алимент тўлаш тартиби ҳақида Адлия вазирлигининг ахборот хизмати ўЗАга маълумот берди.

Болага алимент тўлаш тартибини ота-она ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақли. Ушбу мажбурият ихтиёрий равишда бажарилмаса ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Алимент тўлаш асосан отанинг мажбуриятига қирадими?

Йўқ. Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

Алимент қачондан ундирилади бошлайди?

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилинганга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахсининг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Вояга етмаган болага алимент у вояга етгунга қадар тўланади.

Вояга етган болага ҳам алимент тўланадими?

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шарт. Бунда таъминот бериш ота-онанинг келишувига кўра амалга оширилади. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибидан ҳал қилинади.

Алимент қанча миқдорда уночилади?

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун – 1/4 қисми; икки бола учун – 1/3 қисми; уч ва ундан ортик бола учун – 1/2 қисми миқдоридан ундирилади.

Вояга етган болага алиментнинг миқдори суд томонидан ҳар ойда пул билан тўланганидан қатъий суммага белгиланади.

Алимент тўловчи ҳеч қаерда ишламаса-чи?

Агар алимент тўловчи ишламаса алимент ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади.

САЙЛОВ – 2019

◆ Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ушбу кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

◆ Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш; – номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш;

– сайлов участкасида ҳозир бўлиш, тайёргарлик ишларининг боришини, яширин овоз бериш кабиналарининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қўтиларининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш;

– овозлар санаб чиқиляётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузиляётганда ҳозир бўлиш; – сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш;

– агар тегишли сайлов участкасида Сайлов кодексининг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ОИЛА БАХТИ – ЖАМИЯТ БАХТИ

оила муаммоси – жамият аъзолари, яъни барчамизнинг муаммомиздир

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан).

Оила – азалдан юртимизда муқаддас кўрғон сифатида юксак қадрланган. Уни асраш, бузилишига йўл қўймастик доим долзарблик касб этган ва бу бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган жамики ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам жамиятимизда яшаётган ҳар бир оиланинг бахтли яшашини таъминлашга қаратилган. Бу борада нисли қўрилмаган, улкан ишлар амалга оширилаётган.

Инсон бахтли яшашини таъминлашнинг яна бир муҳим омили – маънавият, ахлоқ масаласи ҳам борки, бу бутун жамоатчиликнинг эътиборида бўлиши лозим. Зеро, адиб Тохир Малик қайд этганидек, «... бахт тушунчасининг моддий томонидан кўра маънавий томони ортиқроқдир».

Албатта, жамиятда бахтли оилалар билан бирга бундан мосуво оилалар ҳам мавжуд. Шу ўринда, оила бахтли бўлиши сири нимада-ю, бахтсизлигининг сабаблари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Айни пайтда ака-ука, ота-бола ёки эр-хотин ўртасида турли низоларнинг вужудга келаётганлиги, ҳатто низо орқасида бири иккинчисининг жонига қасд қилаётганлиги, она ўз фарзандидан воз кечиб, норасида гўдагини пулламоқчи бўлаётганнинг асл сабаби нимада?

Ёки «бой ўғил»нинг мулк илинжида ўз отасини руҳий беморлар шифохонасига жойлаштирилганлиги, шифохонадан

чиққач бир хонали уйда бошқа фарзанди (қизи)га кўрсатмасдан сақлаганлигига ёки бошқа бир «бой ўғил»нинг эса бир



нечта уйи бўла туриб, ўз онасини уйдан ҳайдаб юборганлигини қандай тушуниш лозим? Нега оила аъзоси бўлган эр-хотин ёки фарзандлар ўз жонига қасд қилиш орқали ҳаётга яқун ясамоқда? Оилавий низоларнинг сабаби нимада?

Ушбу саволларнинг биронтасига сабаб моддий томонда, деб жавоб бера олмаймиз ва шунингдек, муаммони моддий жиҳатдан, яъни пул ва бойлик билан ҳал этиш ҳам бўлмаслиги барчага аён.

Муаммо – бой ўғилнинг маънавий қашшоқлиги, яъни унинг ўз вақтида олмаган меҳри ва тарбиясидаги бўшликда, ажрашаётган ота-онанинг масъулиятсизлигида, яъни, бир сўз билан айтганда, муаммо шахс маънавияти ва ахлоқи билан боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Оилаларда маънавий муҳитни яхшилаш, ота-оналар масъулияти ва оиладаги муносабатлар масаласига,

айниқса, муаммоли, нотинч оилалар билан ишлашга хотин-қизлар кўмиталари, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда Ёшлар иттифоқи вакиллари, яъни кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Тўғри, бу биргина учрашув ўтказиб, «яхши яшаш керак», деб уқтириш билан бирдан ҳал бўлиб қоладиган масала эмас. Шунинг учун, фикримизча, биринчидан, мустаҳкам, рисоладагидек оилалар вужудга келиши масаласига доимий эътибор қаратиш, лозим бўлса хотин-қизлар кўмиталари, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда маҳалла фаоллари томонидан жиддий жамоат назорати ўрнатилиши керак.

Бунда, асосий эътиборни мактаб, коллеж ва олий ўқув юрларида ёшлар маънавиятини шакллантириш ҳамда уларни оилага тайёрлаш масаласига қаратиб, айни пайтда бу борада олиб борилаётган ишлар, дарсларни таҳлилий ўрганиб, уни яхшилаш борасида тегишли чоралар кўриш зарур.

Шунингдек, оила қуриш истагида бўлган ёшлар билан ишлаш, уларга амалдаги оила қонунчилиги талаблари билан бирга эр-хотиннинг бурчи, хотиннинг эрдаги ҳаққи, эрнинг хотиндаги ҳаққи, уларнинг бўлажак фарзандлари олдидagi бурчини кенг тушуштириш лозим.

Иккинчидан, одоб-ахлоқ, нафс тарбия-

си, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб ҳамда инсон ва унинг масъулияти борасида тегишли мутахассислар, ёзувчилар, олим ва файласуфлар, имом-хатиблар иштирокида кенг камровли ва тизимли ҳамда таъсирчан тарбиявий иш олиб бориш лозим.

Бугун оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари орқали жамоатчилик содир этилаётган оилавий низо ва жиноятлардан хабардор қилиб борилаётганлиги каби оилалардаги ижобий ҳолатларни ҳам ёритиб бориш лозим. Зеро, ўқувчи, хусусан, ёшларнинг масаласига муносабатини шакллантиришда биргина салбий ҳолатларни кўрсатиш эмас, балки ўрнатилган ҳолатларни ҳам уллар ҳуқуқига ҳавола қилиш мақсадда мувофиқдир.

Агар ҳар қандай оила муаммосига «бу менинг муаммом эмас, менга нима» қабилида эмас, аксинча, «бу бизнинг муаммомиз», деб қарасак, кимгадир моддий ва кимгадир маънавий кўмак қўлимизни чўзсак, адашганга тўғри йўлни кўрсатсак ёки бир оғиз далда берсак, натижа ўта ижобий бўлиши мукарран.

Шунда бу юқорида қайд этилган, бугун оммавий ахборот воситаларида бот-бот ёритилаётган оилавий низолар, бир-бирини уриб жароҳатлаш, жонига қасд қилиш ҳолатлари, қолаверса, бутун жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар кескин қамайишига олиб келади.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Олий суд раисининг ўринбосари (ЎЗА)

«ИБРАТЛИ ОИЛА» ҒОЛИБИ МИСРГА САЁҲАТ ҚИЛАДИ

«Бугун давр биздан оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига чуқур илмий ёндашувни, ҳақда илмий-тадқиқот муассасалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин амалий ҳамкорликда иш олиб боришни талаб этмоқда».

Шундагина оилалар муаммоларини ҳал этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва кишилар онгига «Оила – жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий принципини синдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Республика маънавият ва маърифат маркази каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Иبراتли оила» республика кўрик-танлови ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳ-

камлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида замонвий оилани ривожлантириш, намунали оилаларнинг ҳаётини тажрибаларини омдалаштириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш ва «Соғлом оила – соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этиш каби муҳим масалалар ўрин олган. «Иبراتли оила» кўрик-танловидан кўзланган мақсад ҳам оилалар мустаҳкамлигини ошириш, намунали оилалар сафини кўпайтиришдир.

Куни кеча пойтахтимиздаги Банклар ассоциациясининг анжуманлар залида мазкур кўрик-танловнинг якуний республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Иккинчи бор ташкил этилган «Иبراتли оила» кўрик-танловига қизқувчилар сонининг кўпайганлигини танловда ўтган йилга нисбатан 55 мингдан зиёд, яъни 70 мингга яқин оилалар иштирок этганидан ҳам билсак бўлади. Танловнинг республика босқичига оилавий кадрларнинг эъзозлайдиган, жамоат ишларида фаол, маҳаллада ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган энг намунали 14 нафар оила саралаб олинди. Якуний босқичда оилалар «Энг иبراتли жамоат ишларида фаол оила», «Энг иبراتли маърифатли оила», «Энг иبراتли тадбиркор оила», «Энг иبراتли аҳил оила», «Энг

ибратли оилавий кадрларни улуғлаган оила» каби қатор номинациялар бўйича диплом, статуетка, китоблар жамланмаса ва кимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

– Иبراتли оила бўлиш сири, аввало, ота-онанинг бир-бирига бўлган муносабатида. Агар уллар аҳил-иноқ бўлиб, ўзаро хурмат асосида яшашса, фарзандлар ҳам шунга қараб, тарбия олишади. Ота-онанинг китоб ўқиганини кўрмаган фарзанд ҳеч қачон китобга ошно бўлмайди. Биз фарзандларимизни болалигидан китобга муҳаббат руҳида тарбиялаганмиз. Оилавий кутубхонамизда мингдан зиёд ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари бор, – дейди «Энг иبراتли китобхон оила» номинацияси билан тақдирланган навоийлик Олия опа Сидиқова.

Маҳаллада ёш оилаларга ҳар томонлама ибрат бўлиб келаётган Тошкент шаҳридан Ражабовлар оиласи 3-ўринга, Самарқанд вилоятдан Норматовлар оиласи 2-ўринга, Тошкент вилояти Ангрен шаҳридан Исмоиловлар оиласи 1-ўринга муносиб кўрилди.

– Оиламизнинг бугунги кунда маҳалладаги ўрни, фарзандларимиз эри-

шиб келаётган санъат, спорт соҳасидаги ютуқлар, маҳалламиз билан ҳамкорликда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга ёрдамимиз, жамоат ишларидаги фаолиятимиз ушбу кўрик-танловда ғолиб бўлишимизга туртки бўлди, деб ўйлайман. Маҳалла негизда барпо бўлаётган ҳар бир оила борки, оила тинчлиги, фарзандлар қамолтиришнинг фаровонлигига замин яратишини ёддан чиқармаслиги зарур, – дейди 1-ўринни эгаллаб, Миср Республикасига икки кишилик йўлланмани қўлга киритган «Энг иبراتли инновацион, замонвий оила» бошлиғи Аъзам Исмоилов.

Оила – мўъжаз Ватан. Қадриятлар улуғланган оилада тарбияланган ҳар бир ўғил-қиз юрт шаънини улуғлайдиган, эл фаровонлиги йўлида фидойи инсонлар бўлиб воёга етади.

Маҳфуза ПЎЛАТОВА



«ТАҚДИРИН КЎЛ БИЛАН ЯРАТУР

Интернет орқали «бахт» овлаган «келинчак»нинг

«Бу воқеалар заррача тўқима эмас. Тўқима бўлса қанийди. Кундалик янгиликлар тасмасидан тез-тез ўтаётган бу каби ҳодисалар ортида Аллоҳ бахт учун яратган тирик инсонлар, дилларни эзаётган улкан уқубатлар, мусибатлар, ор ва уят турбиди. Топталган соф туйғулар, таҳқирланган номус, булганган инсон шаъни, миллати ва ўзининг тақдирга лоқайдлик, элнинг сароб кетидан асрлардан бери алданиб чошичи, ватан ва миллатга соҳибликнинг таназзули учун минг йиллаб йиғласанг арийдим.



Карим
БАХРИЕВ,
журналист

Ойгул... (исму шарифлар ўзгартирилган, чунки мудоаамиз бир инсоннинг бошига тушган кулфатни кўз-кўзлаш эмас, миллатимизнинг бошида турган офатдан озох эмас). У туғилганда ота-онаси канчалар қувонганини фарзандсизликни бошдан ўтказганларгина яхшироқ англаша керак. Инсон учун энг катта қувонч зурёдди бўлишидир. Ўғил туғилса, айниқса қувонамиз, чунки у вояга етса, қолган умримизда мададкор бўлади, Аллоҳнинг омонати бўлган, илиниб турган жонимизни тошширган кунда тобутимизни кўтарди, деб қувонамиз. Қизимиз бизга меҳрибон бўлади, меҳрибонлиги онамизни эслатади, деб севиनाмиз. Аммо бир куни уни – ювиб-тараб катта қилган жонимизнинг бир парчасини жойини топиб узатиш пайида бўламиз.

Агар киз фарзандимиз болалигида, ўсмирлигида биров миллион ё миллиард берса ҳам, бировга бермаймиз, бироқ балога тазкира эмас, уни узатиш пайида бўламиз, ҳатто сарф-харажат қилиб, миллионлар турадиган сарпо-суруқлар қўшиб бировга тошширамиз. Агар совчи келавермаса, «кари киз» бўлиб қолади, деб хижолат чекамиз, кўни-кўшни олдидан ерга қараб ўтаемиз. «Дод» деб юборинг келди оламнинг шу равишига қараб...

Кизнинг ўзи-чи? Унинг аҳволини ҳис эта оламизми?! Ота-онасининг олдидан тенги чиқмаётганидан, ота эшигини бир талабдор тақиллатмаётганидан хижолатдай бош эгиб ерга қарайди, бу уйда насибаси қолмагандай, егани томоғидан ўтмай юради... Эй, кўзи сўкир дунё!

Мабодо, тенги топилса ҳам, юрагимизни ҳовучлаб яшаймиз. Қайнота-қайнонаси қандай қабул қиларкин, куёвимиз кизимизга меҳрли бўлармикин ёки зуғум қилармикин?! Дўсту душманга, гоҳида подшоҳларга эммаган бошимиз бор. Аммо энди қудамизнинг юзига, куёвимизнинг кўзига жовдираймиз. Вояга етказиб, тарбиялаб берган жигарбандимизни ўша уйда ҳали бегонадай

яшаётганини ўйлаймиз. Аммо, бугун уйимизнинг тўрида турган онамиз, шу уйнинг соҳиби бўлган онажонимиз ҳам бир пайтлар шу хонадонга бегонадай кирганини, аёлимиз ҳам бегонадай кириб келганини, аста-секин уйнинг бекасига айланганини эсласак, балким таскин бўлар, билмадим. Аммо ўзи ҳам келин бўлганини унутган қайноналар оз эмас... Ҳақиқий эр шуни билиши керакки, қиз сенинг уйингга уйини, ота-онасини, ака-укасини, опа-синглисини ташлаб келган, энди бу хонадон унинг ҳам уйи бўлсин, химога мухтож бўлса, оталик қилгин, меҳрга мухтож бўлса, оналик қилгин, сирлашгиси келса, синглиси бўлгин, ёрдамга мухтож бўлса, ака-укаси бўлгин, энди сен эрисан – буларнинг барисан...

Ойгул... Уйига совчиларнинг қадами узулиб қолганига ҳам бир неча йил бўлган. Эзилиб юрган киз бир куни интернетда, ижтимоий тармоқда ҳиндистонлик йигит билан ёзишиб қолади. Иси «Амитабх» эмиш. Дарров эсига Ҳолливуд юлдузи Амитабх Баччан тушди. Ойдин юзли, жилмайиб турган суратига қараб, орзуланди, хаёлида ўзининг ҳаётини у билан ёна-ён тасаввур қилди. Бир ойча ёзишиб юрди. Йигит Дехлидаги кенг, гўзал уйларининг, боғлари ва мовий ҳовузларининг суратини жўнатди. Ойгул ўзини қошоно уйларида яшаётган, боғларда кезган, тиник сувларда сузган ҳолатда ҳаёл сурди.

Кейин ҳаёлларидан ўзига келиб, ён-атрофига қаради. Пайтини топиб, онасига гап очди. Онаси аввал хавотирланди, кейин нариги маҳалладан Туркияга кетган, у ерда аввал ишлаб юриб, бир туркка теккан, ҳар ёзда болалари билан келиб-кетадиган Хайрулло аканинг кизини эслади. Яқинда газеталарда ўқигани, Англияда яшайдиган араб лордга турмушга чиққан самарқандлик киз ҳаётини эслади. Ҳозир дунёнинг у чети-бу чети бир қадам бўлиб қолди, деб ўйлади. Эрига ҳам тушунтирди.

Ох, ота... Бир ёнда кизини бегона юртга узатилишидан хавотирланади. Иккинчи томондан, ёлғиз ўтмайди-ку бир умр, маҳалла-куй орасида ҳам гап-сўзлар барҳам топади, деб умидланди. Ҳиндистон ҳам ҳозир бир қадам, Бобурийлар курган Тожамаҳал ўша ерда.

«Бўлгуси куёв» киз келишини, тўйга тайёргарлик қилишларини, бир ойдан сўнг ота-онаси ва қариндошларини ҳам чақириб, катта тўй қилишларини айтди, меҳмонларнинг харажатларини ҳам кўтаришини ёзди. Лекин келиннинг самолёт ва йўл харажати ҳақида ёзмади. Қашшоқ одамлар экан деб ўйламасин, кейин бир умр қизимизнинг юзига солмасин, деган фикрда қавму қариндошлар биргалашиб, кизга билет олишди, яхши кийинтириб, совга-салом билан учоққа чиқариб Дехлига жўнатишди...

Самолёт Ҳиндистоннинг юраги – Дехлига кўнди. Аэропортда божхонадан ўтиб, кутиш залига бораётган Ойгул юраги дуқиллаб ураётганини сездим. Интернетдаги суратни кўз олдига келтирди. Одамлар орасида суратдагига ўхшайдиганроқ, лекин қора бир йиғитни таниди. «Сурати фотошоп дастурида оқартирилган бўлса керак», – деб ўйлади у. Ўзи ҳам расмларини ёшарттирадиган дастурларда ишлаб, интернетга қўярди: «Ҳозир ҳамма шундай қилади...»

Йигит кела солиб, кизнинг кўлидаги жомадонларини олиб ерга қўйди. Уни бир кучиб, бетидан ўлди-да, икки жомадондан бирини олиб йўл бошлади. Ташқарида қатор турган машиналардан

ўтиб, бир мотоциклни олдига келишди. Қиз сўрамасидан, ўзи тушунтирди: «Йўлларда машиналар тикини кўп бизда, машиналарим уйда, шуниси қулай...»

Жомадонни орқага устма-уст жойлаб боғлашди-да, йигит мотоциклни бошқариш учун чамбаранини тутди, Ойгул орқасига мингашди. Гўзал бинолари бор кўчалардан ўтишди. «Ҳозир бизнинг уйга ҳам етамиз... Ота-онаси кутаётгандир. Мана шу кўртқасидан иссиғи бағримга ўтаётган йигит умр йўлдошим бўлади, бундан кейинги ҳаётим у билан...»

Хашаматли уйлاردан бири олдидан тўхтайдиган мотоцикл деб ўйлади киз. Лекин аста-секин мотоцикл шаҳарнинг четларига, пасткам уйлар томон кетди ва хувиллаган бир овлоқдаги уйга келди. Бу ерда йигитнинг ўзи яшаркан. «Ота-онам чет элликка уйланмайсан, деди. Уришиб қолдим. Шу ерни ижарага олдим», – деди «Амитабх».

Уйга киргач, қилган биринчи иши – кизга ташланди ва уни зўрлади. Ойгулнинг кўз ўнгида юрти, она шаҳри ва ота хонадони, йўлга пул йиғиб, билет олиб берган қавм-қариндошлари келди. «Қай юз билан қайтаман?» – деб ўйлади. «Майли, уйи тор бўлсин, майли камбағал бўлсин, аста-секин оёққа турармиз...» – таскин излади ўзига. Эртасига йигит қайдандир ичиб келди ва мотоциклга миниб, «меҳмон»га боришларини айтди.

Меҳмондорчилик ерида «куёв»нинг яна икки дўсти кутиб турган экан. Ойгулни учта бўлиб навбатма-навбат зўрладилар. Йиғидан кўзлари лўқиллаб, тортиқлашлардан бадани момоталоқ бўлиб кетди. Номус! Уят! Хушидан кетиб қолди, кейин туш кўрди: ўзини Тошкентда, маҳалладаги қўшни кизчалар билан кўчада ўйнаб ўтирган болалигини, отаси ишдан келганини, онаси овқатга чақираётганини кўрди, уларнинг ортидан юрай деса, оёғи юрмас, бадани зирқарди... Кўзини очди. Ўлиб қолдим деган йиғитлар кўзини очганини кўриб тинчланишди, унинг устидан кулфлаб, қаҳвахонага кетишди ва дўстлари билан қайтишларини айтишди.

Ойгул... Осмонда ой хижолат, гунчаларнинг юлинди, гулгилнинг қолмади. У аввал ўзини ўлдираман деб қарор қилди. Ўлдирилмади. Дунёнинг кайрафторлигидан доғлаб йиғлай бошлади. Кўшнилардан кимдир эшитди, эшикни очолмадилар, деразани синдиришди. Ойгул чика солиб, полициянинг манзилни сўради...

ДАРВОҚЕ...

Бу ёғни ахборот агентликлари ва халқаро радиоларнинг тасмаларидан келтирамиз: «Ижтимоий тармоқларга кўра, интернет орқали ҳиндистонлик йигит билан танишгани ортидан Дехлига келган 31 яшар ўзбекистонлик қиз оммавий зўрлаш қурбони бўлди». «Зўрлангани айтаётган ўзбекистонлик аёл яқинларидан бирига кўра, аёл Facebook тармоғида ҳиндистонлик йигит билан виртуал танишиб жорий йилнинг июнь ойида Дехлига борган». «Янги йил байраמידан кейин танишиб, ёзишиб юрувди ўша ҳинд йигит билан. Кейин қариндош-уруғ йўлиқарига пул бериб, олдидан Дехлига жўнатгандик. Шанба куни йиғлаб телефон қилди: «Мени калтақлаб зўрлашди» деб. Биз Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилдик, аммо ҳали жавоб беришмади». «Ҳиндистондаги қатор нашрлар, хусусан етакчи телеканаллар ўзбек аёлининг гуруҳ бўлиб зўрлангани ҳақида 12 август куни маълум қилди. Дехлида ўзбек

аёли оммавий зўрлашда айбланган уч кишидан иккиси кўлга олинди». «India-TV» мухбирининг воқеа юз берган жойдан туриб маълум қилишича, «ўз-



бек аёли зўрлаган 3 кишидан 2 нафари душанба куни Дехли ғарбиди «Vasant Kunj» мавзеида кўлга олинган. «Аёли зўрлаганлар сони 3 нафардан кўпроқ бўлиши мумкин» дейди телеканал мухбири. Ҳиндистондаги «Bharat AAJTAK» агентлигининг ёзишича, «Ўзбекистонлик аёлининг севилиси уни 10 август куни мажбуран ўзининг камида икки нафар дўстининг ёнига олиб борган. Душанба, 12 август куни ўзбекистонлик аёл полицияга берган аризасида ўзининг олдидан калтақлаб, кейин зўрланганидан шикоят қилган». «Ўзбекистонлик аёлларнинг Ҳиндистонда оммавий зўрланиши биринчи марта юз бераётгани йўқ. 2017 йили ўзбекистонлик аёл Дехлининг Масудпур туманида ўзининг собиқ йиғити ва яна тўрт эркак томонидан дўппосланган ва жинсий зўрланган эди. Бу ўзбек аёли ҳам ҳинд йиғити билан ижтимоий тармоқларда мулоқот қилгани ортидан ишқий муносабатларини бошлагани айтилган эди. 2015 йил ноябрда Ҳиндистоннинг Харяна штатида ўзбекистонлик 27 яшар Шаҳноза Шукорованинг жасади топилган эди. Олти ойлик ҳомиласи бор Шаҳноза ўғирлаб кетилган ва ўлдирилган эди». «News18.com» маълумотларига кўра, асосий айбдор 25 ёшли Харяна штатидан пойтахтга келган гуруғрамалик йигит («бадавлат куёв») темир-терек аёли, кун кўрган мардикор бўлган».

АЛАЛ-ОҚИБАТ...

Биродарлар, ҳулосада бир нима дейиш учун тил айланмапти... Лекин уч-тўрт оғиз гапимиз бор.

Биринчидан, «тақдир азал битиб бўлинган», «қалам кўтарилган» – қизларимизнинг тенги пешонасига ёзилган бўлса, ўз фурсатига келди ва ҳеч кимнинг бировга маломат қилиш ҳақ-хуқуқи йўқдир.

Иккинчидан, қиз бола ҳам фарзандимиз – истаганича ота уйда ризки ва ҳаққи-хуқуқи бордир. Унинг учун эшигимиз ҳамини очиб бўлиши керак. Олдинроқ бир воқеани ёзган эдик – эри аёвсиз калтақлаган ёш келинчак, икки гўдагини олиб, кечда ота уйига келса, ота-она: «Кўни-кўшнининг олдидан шарманда қилма... Бор, эрингникига қайт тонг отиб ҳамма кўрмасидан», – деб хайдаб солади. Аёл эса икки боласини

ОДАМ...»

аянчли тақдир

бағрига босиб ўзини сувга отади. Ўша гап-сўздан хайиқилган кўни-кўшнлар билан ҳали дунёга келиб, бир ёруғ кун кўрмаган болаларнинг юмшоқ таналарини ерга кўмадилар. Аллоҳ, бу берган омонат жонларнинг ҳаққини сўрамай-дими Қиёматда?! Сўрайди! Тотувликда яшаганга нима етсин! Лекин тотувлик бўлмаса, жабру зулм бўлса, қизимиз уйимизга сиғсин.

Калтак еб ўлганидан кўра, эрсиз бўлсада, бу дунёда яшаб юргани мақбул эмасми?

Учинчидан, такрор айтамыз, жон – Аллоҳнинг омонати, бир инсоннинг жонига тажовуз қилиш – бутун инсониятга тажовуз қилишга баробар гуноҳ саналади. Худди шундай, кўнгил – Аллоҳнинг жойидир. Бир инсоннинг кўнгилни вайрон қилиш – Кабани вайрон қилиш билан баробардир, деган гап шунчаки гап эмас. Бу Аллоҳнинг иродасидир. Пирларимиз «Кўл – ишда, кўнгил – Аллоҳда», – деганлари ҳам чиройли гап қилиш учун айтилмаган. Инсоннинг қалбига дунё ва дин бирдек жойлаша олмайди, қалбда заррача кибри бўлган инсон қалбига Аллоҳ кирмайди, дейдилар. Бир-биримизга яхши сўзларни айтсак, ноҳақ бир кўнгилни вайрон қилмасак эди. Шу жумладан, заифа қизларимизнинг қалбларини вайрон қилмайлик на аччиқ сўз билан, на хирсли кўз билан, на бир зарра жаҳлдор қараш билан...

Тўртинчидан, интернет ҳақида айтамыз. Ижтимоий тармоқлар инсонлар дардларини очик айти олинсин, деб саҳифаларни истаган исмда ва истаган сурат билан очик имкони беради. Шу туфайли кекса одам ёшликдаги суратини кўйиб ҳам ё бошқа бир ёшнинг суратини кўйиб ҳам очаверади. Эрак киши номидан очилган саҳифа ортида аслида аёл турган бўлиши мумкин, киз деб хат ёзаётганингиз аслида эрак томонидан очилган бўлиши мумкин. Кампир ёзаётган бўлади 18 ёш кизнинг сурати ортида, мункиллаган чол ёзаётган бўлади навқирон спортчининг суратини кўйиб аккаунтида... Танимаган одам билан ёзаётгани учун ота ўз кизига ишқ изҳор қилиб кўйиши мумкин, ўғил онасига сўлаги оқиб, мактуб битаётгандир... Билмаган одамлар билан яқин танишиб кетиш, қолаверса, ўзининг тақдирини бегонага, баъзан хатто дунёнинг бошқа мамлакатигада нотанишига топшириш, хатто тану жонини ҳавола этиш аянчлидир.

Интернетдан қайтармоқчи эмасмиз ва қайтариб бўлмайди ҳам. Интернетнинг минглаб фойдали томонлари бор. Пичоқ билан тарвуз кесиш ҳам мумкин ёки одам сўйиш ҳам имконлидир. Ҳамма гап пичоқ ушлаган инсоннинг қалбидадир. Интернет ҳам шу – турли инсонларнинг кўлидаги бир воситадир. Ўз эҳтиётингни қилганинг, Аллоҳ берган омонат жонининг кадрини билганинг дурустдир.

«ТЕЗ ЁРДАМ»ГА

КИМНИНГ ЁРДАМИ ЗАРУР?

«**Яқинда университетимизда бир фалокат содир бўлди. Таниш қизлардан бири бино зинасидан тушаётганида хушидан кетиб йиқилибди. Эшитиб оқиб, университет тиббиёт хонаси томон югурдим. Ҳаммани кўрқитиб юборган шекилли, эшик ёнида бир қанча талабалар тўпналиб туришарди.**

Тиббиёт хонасига кирдим. Ҳамма кўрқиб қолган, кимнингдир кўлида сув, кимдир кизнинг кўл-оёқларини иситиш билан овора, ҳамшира доридармон бериб, беморни хушига келтириш учун ҳаракат қилишди.

Бирок ҳеч бир муолажа фойда бермади, бемор багтар қалтираб, кўзидан тинмай ёш оқар, нафаси қисилиб, кўл-оёқлари музлаб кетаётган эди. Вазият ўнгланмаганини кўрган устозимиз «Тез тиббий ёрдам»га кўнғироқ қилди. Беморнинг исм-шарифи, ҳозирги аҳволи ҳақидаги обдон савол-жавоблардан кейин, ўқитувчимиз университет жойлашган манзилни қайта-қайта тушунтира кетди. Университет йўл ёқасида эмас, кўп қаватли бинолар орасида жойлашган.

Ҳаммамиз тез ёрдам тезроқ келишини бетоқат бўлиб кути бошладик, бемор танишимнинг аҳволи эса ҳеч яхшиланмас эди. Орадан ўн беш дақиқа ўтди ҳамки, тез ёрдам машинасидан дарак йўқ. Бир курсдошим билан университет дарвозаси ёнига чиқдик, яна тез ёрдамга кўнғироқ қилдик ва «йўлда, боряпти» деган жавоб олдик. Балки топиб кела олишолмаётгандир, деган ўйда кўча бошигача чиқдик. Ҳарқалай бироз ўтиб, тез ёрдам машинаси кўрindi. Машинанинг ёнига бориб, қайси тарафга бурилиши кераклигини тушунтирдик ва улар ортидан югурдик. Шифокор машинадан тушиб, университет биносига кирди-ю «тиббиёт хонаси» қайси тарафда эканини билмай ҳар тарафга аланглай бошлади. Қизиқ, шифокор, бунинг устига тез тиббий ёрдам машинаси олдида талабалар бепарво ўтиб кетяпти, биров нима бўлди, ким керак деб сўрамаеса...

Хуллас, бемор ётган хонани шифокорга кўрсатиб юбордик, дарсга кирдик. Бирок бутун хаёлим айтилган манзилни тез топиб келолмайдиган «тез ёрдам»га кетди...

Кейин эшитсак, бемор шифохонага олиб кетилган. Биргаликда шифохонага борган ҳамроҳ қизнинг айтишича, йўлда кетаётганда бир хайдовчи «тез ёрдам» машинасига йўл бермай, ўтиб кетмоқчи бўлган ва тўқнашиб кетишига оз қолган. Буни эшитиб, «Нега ҳар доим «тез ёрдам» кечикишни танқид қиламиз, унинг ҳаракатланишига тўқнаш қилаётганимиз кўзимизга кўринмайди?» деган савол мияда чарх урди. Ҳаёти хавф остида бўлган бир беморга ёрдам бериш учун



ошиққан «тез ёрдам»га баъзида ёрдам керак бўлиб қолмаётганимиз?

Шошаётган «тез ёрдам» машинасига йўл бермай, бепарво ўтиб кетаётган хайдовчиларни кўп кўрганмиз. Сиренани ёқиб келаётган «тез ёрдам» машинасининг кўмагига, балки бизнинг яқинларимиздан бири кўз тутиб тургандир. Қолаверса, кимнингдир фарзанди, отаси ёки онаси, жон-жигарининг ҳаёти қил устида турган бўлиши мумкин-ку?..

Ривожланган мамлакатларда йўлнинг бир қисми тез ёрдам ёки шу каби фавкуллода ҳолатдаги машиналар учун доим очик туради. Ҳатто йўл тирбанд бўлиб қолса ҳам ўша йўлакка бошқа автомашиналар кирмайди. Бизда-чи? Яқинда гувоҳ бўлдим, чирокларини ёқиб, сирена овозининг чинқиришига қарамай йўл тирбанд, тез ёрдам машинаси ўртада қолиб кетган. Унинг ичида аҳволи оғир бир бемор ўлим билан олишаётгани аниқ эди...

Баъзида тез тиббий ёрдам чақирганимизда, уйимиз ичкарироқда жойлашган бўлса, манзилни тушунтиришга ҳам анча вақт кетади. Ваҳоланки, «Yandex taxi»га манзил ёзиб ташласак, узоғи билан беш дақиқада етиб келишади. Наҳотки тез ёрдам машиналарини ҳам манзилни осонлик билан топиб келишлари учун мана шундай GPS-навигаторлар билан таъминлаш имкони бўлмаса?! Ахир баъзан ёрдамнинг бир дақиқа олдин кўрсатилиши ҳам бир инсон ҳаётини асраб қолиши мумкин-ку!

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори Даврон Султоновнинг қайд этишича, манзил ноаниқ кўрсатилиши ҳам кўп ҳолларда машина кечикиб боришига сабаб бўлади: «Кўча-кўйда йўловчиларнинг тоби қочиб қолганда ёки қандайдир бахтсиз ҳодиса юз берганда тез ёрдам чақирилса, кўпинча манзил нотўғри кўрсатилади. Берилган рақам бўйича алоқага чиқилса, тез ёрдам чақирган одам аллақачон воқеа жойидан кетиб қолган бўлиши мумкин. Кўча нолари нотўғри берилган, мўлжал ноаниқ кўрсатилган вақтлар ҳам кўп бўлади. Бу эса ўз-ўзидан ёрдамнинг етиб боришини кечиктиради».

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили имзоланган «Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юртимизда тез тиббий ёрдам хизматини янада ислоҳ қилишда катта аҳамиятга эга. 2019-2021 йилларда тиббий техника ва жиҳозлар, GPS-трекерлар ва планшетлар, ҳар бир машина учун

видеорегистраторлар харид қилиниши кўзда тутилган эди. Бирок уларнинг амалий исботи ҳозирча кўзга кўринмайпти, негадир.

Кўни кеча курсдошим билан таксида кетаётган эдик. Биз ўтирган машинанинг олдида тез ёрдам машинаси чиқиб қолди. Хайдовчи жаҳл билан ичида нималардир деб гўлдирар, олдидаги машиналардан ўзиб кетмагани учун жаҳл қиларди. Аввалига бизни тезроқ манзилга боришимизни ўйлаб шошаётгандир, деган хаёлда «Шошилмасдан юраверинг, тез хайдаш шарт эмас», дедик хайдовчига босик оҳангда. Хайдовчи бўлса: «Шундай ҳамма машинага йўл бериб, секин юраверсам, тирикчилик нима бўлади?» деди гапимиздан норози бўлиб. Тортишдан фойда йўқлигини сезди, тез ёрдам машинасини кузатдик. Атрофидagi баъзи хайдовчилар четга ўтиб йўл беряпти-ю, қолганлари ҳеч нима кўрмагандай тез ёрдам машинаси билан пойгага отлангандай гўё.

Биргина мисол: жорий йил 11 сентябрь кўни тонги соат 7:25 да Тошкент халқаро аэропортидан чақирув марказига 60 ёшли кишининг соғлиғи ёмонлашиб, хушидан кетгани ҳақида чақирик тушади. Бу маълумот зудлик билан Яққасарой туманидаги 10-бўлимга етказилиб, соат 7:26 да «Тез ёрдам» бригадаси чақирик жойига отланади. Бирок, «Яққасарой» тўй-хонасининг ёнидаги йўл тикилиш бўлгани сабабли тез ёрдам машинаси 5-6 дақиқа кутиб қолади. Сигнал чироғи ёниб, чақирик янграб турсада, атрофидagi хайдовчилар йўл беришмаган. «Тез ёрдам» манзилга етиб борганича аэропорт шифокорлари беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишган. Бирок, кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамадан бемор вафот этган.

Ўзимизга, яқин инсонларимизга тез тиббий ёрдам зарур ҳолларда қандай ҳаракат қилишимизни, ҳар дақиқа қанчалик кадрли бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Тез ёрдам сал кечикадиган бўлса, жигибийрон бўламыз. Бошқа вақтда эса ўзимизнинг ташвишларимиз билан овора бўлиб, манзилга шошамиз-у, тез ёрдамнинг ўз атрофида учиб кетаётган машиналардан кўмак истаб, шошилдиб кетаётганига аҳамият бермаймиз. Ахир, ўша тез ёрдам машинасида ҳам кимнингдир яқини, кимнингдир оила азоси борлиги, худди бизга ўхшаб кимдир дақиқа санаб, тез ёрдамнинг йўллари муҳтож бўлиб ўтиргани ҳақида ўйлаб кўрамызми?

Махфуза ПЎЛАТОВА,
«Оила даврасида» муҳбири


ҚИШНИНГ НЕЪМАТИ — ОЛОВ,

«Худудгаз Қорақалпоғистон» масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли жамоаси асосий эътиборни аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектларини кафолатли ва етарли микдорда суюлтирилган газ билан таъминлашга қаратаётир. Шу аснода аҳолининг эътирозлари ва ҳақли талабларини ўрнида ва жойида ҳал этиб беришга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Хуш хулқига бергум тан

*Шумлик қилса сир олдираб болади,
Кўнгилчанлик, бўшлиғига қуяман.
Лекин унинг поёни йўқ даладай,
Азаматлик кенг феълини суйман...*

Сокин ва осойишта куз ўстириб аллақачон ўз ҳукмронлигини ўрнатиб улгурган кумуш қишнинг ҳам ўз зийнати, ўз таровати, ўз жозибаси бўлади дейишди кўпни кўрган қариялар. Ростдан ҳам, уларнинг чин кўнгилдан қилган бу икродига жон бор. Аслида гард юкмаган, кут-барака манбаи бўлган опнок қор, тарновларда ялтираб, жилваланиб турган шаффоф муз сумалакларини, қутирган, жазавага тушиб увиллаган шамоллар, юзни чимчилаган, инсон кўнглини, хаёлларини бир учи қонтолалаш уфқларга қадар чўзилиб кетган далаларга бошлаб кетадиган совуқ ҳам танага хуш ёқади бу фаслда. Шу тобда кўли-чўлга, тоғу тошга, гулу гиёҳга ўзгача меҳр қўйган, ўйноқи ва тезоқар Амурдарёдек тўлиб, маржон тизай деб, ажойиб ва жозибали ашъорлар билан эл-улусининг кўксини безай деб, қорақалпоқ элининг шаъну шавкатини дунёга танитай деб мароқ билан куйлаган, қувваи хофизаси ниҳоятда бақувват Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ шoirи, Ўзбекистон Қаҳрамони, булбулзабон куйчи туркий халқларнинг кўнгли тубидан муносиб жой олган Ибрайим Юсуповнинг юқорида ўйноқи, ор-номусга, гурурли бўлишга чакирадиган сатрлари бор бўй-бастича жонланади.



Қорақалпоғистон Республикасининг бир учи олов ва бепоён Қизилқум саҳросининг Саримой, Кампиртепа, Нисан, Окдигар деб номланган, оламга машхур сур терилар етиштириладиган серўт, хайвонот ва ўсимлик оламига ниҳоятда бой манзиллардан бошланса, иккинчи томони эса қўшни Қозғоғистон далаларига уланади. Учунчи томони Устюрт платосида жойлашган Қоплонқир чинкидаги хийлагина катта майдонни ўз ичига олади. Айнан ўша жойда Ўзбекистон, Туркманистон, Қозғоғистон чегаралари бир-бири билан туташади. Салгина ўхшатиш қилиб айтганда, азалдан ер-суви бери бўлиб, тутум-

лари бир-бирига жуда ҳам ўхшаб кетадиган яқин оға-инилар каби бир-бирларига кучок очади. Бошқа ёқда эса кундан-кун қуриб битаёзган Оролқум ястаниб ётади. Ривоятларда таъриф тавсифи қойилмақом этиб келтирилган, она дарё дея улугланган саҳий Амурдарё барокатли ва мўл-кўл хосилнинг бисёр бўлишини таъминлаб туради. Очиғи, қорақалпоқ замини Аллоҳнинг назари тушган, бошқа минтақалар қатори ўзининг гўзал, сўлим табиати, ерости бойликлари, оламга машхур сўз сеҳрғарлари, бетакрор обидалари, қадимги осори-атикалари билан аллақачон донг таратганлиги бор гап десак сира муболаға этмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам, бу эл одамлари ўз юртларини обод ва чиройли манзилларга айлантириш умидида астойдил тер тўкишади. Бундай эзгу-ҳаракатдан, савобли юмушлардан «Худудгаз Қорақалпоғистон» масъулияти чекланган жамиятининг кўп сонли жамоаси ҳам четда турганича йўқ. Буни қаранг, мазкур соҳа ходимлари ўз чекига тушган вазифани эътирозга йўл қўймасдан муваффақият билан адо этиш ҳаракатида елиб-югурмоқда.

Қамрови кенг ва мўл

Хозир айни қаҳратон забтига олган, қор-қировдан этингиз жунжикадиган бир паллада олов овул ва аймоқларда истикомат қиладиган уч-тўртта одамнинг боши қовушгудек бўлса, «Қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор» деганларидек, дарров мазкур фаслга қилинган тадорик ҳақида гаплашишга ошмади. Чиндан ҳам, бу масала айни куннинг энг аҳамиятли ва тилга тушган вазифасига айланиб улгурди. Ахир қиш-қировли кунларда хонадонини амал-тақал қилиб иситишни, шу тарика жон сақлашнинг ўзи ҳам ҳазилакам иш эмас ахир. Биласиз, куз-қиш мавсумига қайноқ ёзнинг аввал бошида пухта ва сидқидилдан тайёргарик кўрганларнинг ҳеч бири доғда қолмайди. Бу жуда ҳам кўп бор исботланган ҳақиқат. Айни шу масалада шаҳардан олов нукталарда умргузаронлик қилиб, мамлакат раванкига, истикболлига муносиб ҳисса қўшаётган аксарият аҳолида ўзига яраша у-бу масалада ўринли ва ҳақли эътирозлар пайдо бўлиб келаётгани ҳам бор гап. Мазкур муаммоларнинг мавжудлигини барча беш кўлда билар, аммо муболақа оқилона ечим тополмасдан овора-ю, сарсон бўлиб келинаётган эди.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 9 июлда қабул қилинган «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада бир талай муаммолар ечими учун муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжатнинг учинчи банди бўйича ташкил этилган «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамиятининг «Худудгаз Қорақалпоғистон» масъулияти чекланган жамияти этиб, қайтадан ташкил қилинди. Бугунги кунда мазкур жамиятнинг битта шаҳар ҳамда ўн олти туманларда газ филиаллари фаолият юритмоқда. Жамиятда меҳнат қиладиган 1200 нафарга яқин ходимнинг аксарияти аҳоли билан учрашганда бу табиий неъматдан эҳтиёткор, ниҳоятда хушёр бўлиб фойдаланиш хусусида тушунирилиб бериб ўтишади. Аслида мазкур жамиятнинг олдига ўзига яраша масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилган. Газ тақсимлаш тармоқларини ва тегишли


бўлган ускуналарини хавфсиз эксплуатация қоидаларининг метёрий қоидаларига қатъий роия этган ҳолда эксплуатация қилиш, суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ҳамда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига сотишдан иборатдир.

– Биласиз, ер кўррасида аҳоли сони сезиларли микдорда кўпайиб, иқтисодиётнинг барча соҳалари изчиллик ва шитоб билан ривожланиб боргани сайин аҳолини ер остидан минг бир захматлар ила қазиб олинандиган газ ва бошқа турдаги ёқилғи билан таъминлашнинг ўзи тобора қийинлашиб борапти. Қолаверса, бу неъматларнинг микдори ҳам ниҳоятда чекланган. Шундай бўлган, ўз-ўзидан аёнки, мазкур неъматлар учун давлатлар ўртасида соғлом рақобатнинг бўлиши турган гап, – дейди «Худудгаз Қорақалпоғистон» масъулияти чекланган жамиятининг бош директори Худайберген АЙМАНОВ. – Минтақамиз худуди ниҳоятда катта. Аҳоли эса бошқа худудларга солиштирилганда анча тарқоқ жойлашган. Бу эса зиммамизга ўзига яраша вазифа ҳамда масъулият юкламадан қолмайди. Биргина ниҳоясига етаётган йилнинг тўққиз ойи давомида республикадаги 342 минг 209 та хонадонга, шундан 232 минг 668 та хонадонга эса табиий газ, 109 минг 541 та хонадонга суюлтирилган газ етказиб берилди. Тўғри, бу аслида бизнинг кундалик вазифамиз ҳисобланади. Лекин, жон кечмасанг жонона қайда деганларидек,



бу вазифани кам-кўстисиз, тартибли адо этишда 1200 нафарга яқин ходимнинг ҳам сезиларли улуши бор. Бугунги кунда ходимларимизга жаҳон стандартларига тўлиқ мос келаётган иш тутумлари қанда қилмасдан ўргатиб борилапти.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра газ билан таъминланган хонадонлар сони 109 минг 982 тани ташкил этади. 59 минг 746 та табиий газ етиб бормаيدиган хонадон суюлтирилган газга ўтказилди. 50 минг 108 та хонадон илгаридан суюлтирилган газ билан таъминланиб келинмоқда. Шу аснода 108 та мактаб-гача таълим муассасасининг суюлтирилган газга бўлган талаби қондирилди. Аслида аҳоли хонадонларини суюлтирилган газ билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги заводлардан 15 минг 963 тонна микдорда газ фонди ажратилган. Йил бошидан буён 13 минг 417 тонна суюлтирилган газ ташиб келтирилди. Аҳолига суюлтирилган газни ўз вақтида кечитирмасдан етказиб бериш мақсадида «Кимё Транс Логистика» масъулияти чекланган жамияти билан олтига вагон шестерна ва «Шўртан ГМХ» масъулияти чекланган жамияти билан ўн тўртта фитинг платформа шартнома



асосида ижрага олиниб баллонлар ташиб келтирилмоқда. Бундан ташқари сўз юритилаётган филиал балансида тўртта «MAN» автошестерна ва 28 та «Isuzu» русумидаги автотранспорт кўмагида аҳолига мунтазам тарзда суюлтирилган газ етказиб берилапти. Туман марказидан олисда истиқомат қиладиган аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш масаласи ҳам доимий эътибор марказида бўлиб турибди. Туманларда 103 та, шундан 9 та сервис маркази ҳамда 94 та газ баллонлар омборхонаси ташил этилди. Қорақалпоғистондаги аҳоли хонадонларига куз-қиш мавсуми учун 9 минг 103 тонна суюлтирилган

газ фонди ажратилди. Мақсад аҳолини узлуқсиз ва кафолатли тарзда газ билан таъминлашдир.

Қорхонада аҳолига биров қулай ҳамда енгил бўлиши учун эскидан қолган, одамни тинка-ю, мадорини қуритадиган, ҳақли ва ўринли эътирозларига сабаб бўлиб келаётган иш йўсинларидан воз кечишга ҳаракат қилинган. Негаки, барча соҳада фаолият юритаётганлар энг биринчи навбатда аҳоли муаммосини ҳал этиши зарур. Шунинг учун жамият бош директоридан тортиб оддий мутахассисгача Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл, Эллиқалва, Беруний, Амурдарё, Тахиятош, Нукус, Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Тахтақўлир, Хўжайли, Шуманай, Қонликўл, Кўнғирот, Мўйнок туманидаги олов худудларда тез-тез бўлиб, одамларни кўпдан бери ўйлан-тириб, кўнглини хижил қилиб келаётган ҳаётий муаммоларини пайсалга солмасдан ҳал этиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Ана шундай тадбирларда одамлар ўзохотир, андиша, «сен менга тега, мен сенга тегамайман» кабилидаги таракқийтимизга ғов бўлаётган истиҳодаларни йиғиштириб қўйиб, кўнглидагини борича тўкиб солмоқда. Ана шунда хар икки томон ҳам, яъни

УНИ ЕТКАЗИШ ЭСА...

истеъмолчи-ю, хизмат ёрсатувчига бир-бирдан гина сакламайди. Ўзи хаятда оқни оқ, қорани қора деб айтайдиган бўлса, кундалик кўпгина муаммоларга ўрин қолмайди.

Киш ўчоғи тор...

Хаво совук, изгирин. Далалар оппоқ чойшаб ёпингандай оқлик билан қопланган. Сал нарида баланд бўлиб ўсган чўл маликаси саксовул дарахти қорайиб турибди. Уюрдаги отлар ана шу дарахт томон интилади. Шу маҳал дарахт устидан бир гала чумчук галаси дув этиб осмонга кўтарилди. Саксовулни хузур қилиб чайнаётган йилқилар баланд тумшукларини онда сонда кўтариб теварак атрофга зийрак қараб кўяди. Бу манзарани берилиб томоша қилаётган Утеган бобони хаёл қургур аллақайқларга бошлаб кетди. «Қараб турсам, бу мавсум қиш-қишлигини қилиб, аёз бобо биздан ўз изгиринларини аямайдиган кўринади. Бундай кезде одам иссиқ жойни хохлаб қоларкан. Негаки, изгиринда совук қотган мусичадек қунишиб қолиши мумкин. Бу ҳолатни яхши билган ҳукуматимиз масалани узил-кесил яхши томонга ўнглашга киришди», деди салмоқли оҳангда.

Сезган бўлсангиз керак, ҳозир гап узангиси Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 30 июлдаги «Республика иктисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019-2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги муҳим қарори ҳақида кетяпти. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида минтақа бўйича 12,3 километр газ тармоқлари мукамал таъмирланган бўлса, 3,4 километр газ тармоқлари реконструкция қилинди. Шу билан бирга 5 минг 107 дона газ тақсимлаш қурилмалари (ҳалқ тилида ГРП) тағтиш этилди. 601,5 километрда газ қувурларини босим остида зичликка синаш ва хаво босими ёрдамида тозалаш ишлари, 661,6 километрда ер ости газ қувурларининг ҳолатини махсус ускуналар (прибор) ёрдамида текшириш режаси, 259,4 километрда газ қувурларини бўёқлаш режаси ортиғи билан адо этилди. Куз-қиш мавсумига газ тармоқларини ва ускуналарини тайёрлаш бўйича кўзда тутилган ишларнинг вақтида бажарилгани аёзли кунларда муаммолар юзга келмаслиги кафолатидир.

Мўйноқдаги мислсиз ўзгаришлар

Бир вақтлар Мўйноқнинг таъриф-тавсифи юртимиздан узок-узокларга ҳам кетганди. Негаки, у дамларда Орол денгизи сувга лик тўла бўлган. Денгиз қирғоқларидаги манзаралар ҳар қандай одамни ҳам хайратга сола оларди. Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан

ушбу тумanning аввалги шон-шавкати тиклаш ҳаракати бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2019 йил 16 январдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамият касб этади. Буни қаранг, мазкур ҳудудда амалга ошириш режалаштирилган ишларни ўз вақтида ва кафолатли урдалаш ниятида махсус техника ва етарли миқдорда ишчи кучи ажратилди. Тумanning «Талли узак» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 160 ўринли мактабгача таълим муассасасини табиий газ билан таъминлаш мақсадида Д-159 мм, 200 п/м жами 700 п/м ўрта босимдаги газ тармоғи барпо этилди. Шу билан бирга, ҳудуддаги Ажиниёв номи билан аталадиган кўчада таъмирлаш ва кенгайтириш



ишлари олиб борилиши муносабати билан Д-219, Д-273 мм.узунлиги 6000 п/м ер ости ва ер усти газ тармоқлари изоляция ленталари билан изоляция қилиниб ер остига ўзгартирилди, ҳудуддаги ўн дона ўрта босимдаги газ тақсимлаш қувурлари бошқа манзилга кўчирилди. «Тик узак» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Арал овулида барпо этилаётган саноат қорхоналари биноларини табиий газ билан узлуксиз равишда таъминлаш учун бир дона РДУК-100 маркали юқори босимли газ тақсимлаш қурилмаси (ГРП) ўрнатилди ва дастурда кўрсатилган бир дона АГНКС автомобилларга газ тўлдирish компрессор станцияси табиий газ тармоғига уланди. Қолаверса, Мўйноқ туманидаги ГТС дан Жиёмуратов кўчасигача бўлган Д-273 мм. узунлиги 5,6 километр юқори босимли ер ости газ тармоғининг 1,2 километр қисмини мукамал таъмирлаш ишлари тўлқ бажарилши таъминланди. Қолаверса, шу тумандаги юқори босимли иккита стационар газ тақсимлаш қурилмаси мукамал таъмирдан чиқарилди.

Қишлоқ соғинчи

«Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти тизимида фаолият юритаётган

«Худудгаз Қорақалпоғистон» масъулияти чекланган жамияти ходимлари билан обод қишлоқлар мавзудида гурунглашаётган эдик. Худди атайлаб қилгандай, радио тўлқинларидан Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ артисти, халқимизнинг ардоқли санъаткори Маҳмуд Намозов ижросида «Кўнглимга орзулар солган қишлоғим, Олис-олис-ларда қолган қишлоғим, Келиб қоларми деб ҳар сахар, ҳар шом, Кўзларим йўлимда толган қишлоғим...» деган соғинчга тўла сатрлари жаранглаб қолса бўлади-ми. Қишлоқда ўсганим учунми, дабурустдан алланечук бўлиб кетдим. Бейхитёр, хаёлимда кўнгли осмондек кенг, содда ва жайдари, меҳнатни энг яхши ёр деб билган одамлар, ажойиб тонлар, қишлоқнинг тақдорланмас манзаралари жонлангандай бўлди. Буни сезган жамиятнинг эксплуатация бўлими бошлиғи Ортик Жиёмуродов обод

қишлоқлар ҳақида тўлқинлашиб сўзлай кетди. Қорақалпоғистон Республикасининг ўн бешта туманидаги қирқ бешта маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда овул фуқаролар йиғини «Обод қишлоқ» дастурига киритилган бўлиб, ушбу манзиллардаги барча табиий газдан фойдаланувчи ҳудудлардаги газ тармоқлари, газ ускуналари хатловдан ўтказилди ҳамда табиий газ этиб бормайдиган манзиллардаги аҳоли хонадонлари тўлқ суюлтирилган газ баллонлари билан таъминланди. Дастурга кўра, «Қорақалпоғистон газ» филиали бўйича газ таъминотини тубдан яхшилаш мақсадида 222 километр турли хил босимдаги газ қувурлари таъмирланди ва тартибга келтирилди, 221 дона газ тақсимлаш шохобчалари кўриқдан ўтказилди, 238,4 километр газ тармоқларида бўяш ишлари бажарилди.

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 21-22 август кунлари амалий ташриф билан қорақалпоқ элида бўлган эди. Уша кезлари «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамиятига шу йил сўнггига қадар «Обод қишлоқ» дастуридан жой олган Эллиққалъа туманидаги «Қилчиноқ» қишлоғини табиий газ билан таъминлаш зарурилиги уқтирилган эди. Бугунги кунда мазкур қишлоқнинг тармоқдан ажратилган 1310 та хонадонини табиий газ билан

таъминловчи 8,4 километрли юқори ва ўрта босимдаги газ тармоқлари қайта кўриқдан ўтказилди, айрим жойлари алмаштирилди ва бетон устунларга ётқизилди ҳамда газ тармоқларини компрессорлар ёрдамида хаво босимида зичликка синаш ва тозалаш, истеъмолчиларнинг газ ҳисоблагичларини, уй ичидаги газ ускуналари кўриқдан ўтказилиб, хонадонлар босқичма-босқич газга уланмоқда.

– Топшириқлар ичида Энергетика вазирилик ҳамда «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамиятига Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида янгидан ишга туширилаётган саноат ва ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли истеъмолчиларига шу йил сентябрь-декабр ойлари давомида узлуксиз газ таъминотини яхшилаш мақсадида 1163,9 млн. м³ табиий газ ва 5 минг 765 тонна миқдорда суюлтирилган газ ажратилиши зарурилик топширилган эди, – дейди «Худудгаз Қорақалпоғистон» масъулияти чекланган жамиятнинг эксплуатация бўлими бошлиғи Ортик Жиёмуратов. – Шу мақсадда 1 минг 163,9 млн.м³ табиий газ фонди ва 5 минг 765 тонна суюлтирилган газ ҳажмларига режалар ҳар бир туман кесимида ишлаб чиқилиб, тегишли вазирликларга тақдим этилди. Яқин орада Бўзатов тумани қайтадан ташкил этилади. Бу эса худуд аҳолисини табиий газ билан таъминлаш учун алоҳида газ тақсимлаш станцияси барпо этишни тақозо этади. «Урганчтрансгаз» унитар қорхонаси жамоаси томонидан мазкур станция қурилиши якунига етказилди, ўн километрдан ортик масофага юқори босимдаги газ қувурлари тортилди. Ҳозирда ҳам бу борадаги ишлар жадал суратлар билан давом эттирилмоқда. Бўзатов тумани газ филиалининг маъмурий биносини барпо этиш учун пудратчи этиб, «Маҳмуджон-Бунёдбек» масъулияти чекланган жамияти танланган. Жамият қурувчилари саъй-ҳаракати билан иморатнинг эски, алмисокдан қолган деразалари ўзгартирилди, том қисми шеферланди, ички ва ташқи қисмида пардозлаш ишлари олиб бориюмоқда. Шу билан бирга, «Қазанкеткен» овул фуқаролар йиғини марказигача бўлган ер ости ва ер усти юқори босим газ қувурларининг 8500 п/м «Қурилиш бригадаси» томонидан хаво босим остида зичликка синалди ва яроқсиз ҳолга келган газ қувурлари алмаштирилди, ер ости ўтказгичларга ғилоф (футляр) қўйилди, жами 12500 п/м юқори ва ўрта босимдаги газ қувурларида бўёқлаш ишлари бажарилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Худудгаз Қорақалпоғистон» масъулияти чекланган жамияти ва унинг жойлардаги мавжуд филиаллари жамоаси аҳолини қиш-кировли, ёғин-сочинли кунларда узлуксиз ва кафолатли тарзда газ билан таъминлаш ниятида хормай-толмай меҳнат қилмоқда. Зеро, халқни она замин бағридан отилиб чиққан ҳамда катта меҳнат завоғига тайёр ҳолатга келтирилган ажойиб неъмат билан таъминлаш анча-мунча савоб иш саналади. Бу вазифани тўла-тўқис адо этганларга элнинг савоби ёғилверади.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбири

ОИЛА
DAVRASIDA
Ijtimoiy-ijodiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти» масъулияти чекланган жамияти

Бош мухаррир
Хуснидин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва сақифланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона мазлили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Эмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммадjon Қуронов

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буғурчи: Г-1137
ISSN 2181-4190 Обуна индекси – 193
Адаби: 2 858 нуска.
Нарҳи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 жомба тибак.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 22:00

ISSN 2181-4190



12 456



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКОРАТИК ПАРТИЯСИНING САЙЛОВЛАРДАН КЕЙИНГИ ДАСТЛАБКИ 12 ҚАДАМИ!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2030 йилгача мамлакатимизда ижтимоий демократик давлат асосларини шакллантиришни ўзининг асосий дастурий мақсади, деб белгилади.

Сайловлардан сўнг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатларимиз яқин 5 йил ичида ушбу мақсадга эришиш йўлида қуйидаги 12 қадамни амалга оширади.

12 ҚАДАМИ!

1-қадам. Пенсиялар, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар расмий белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигини таъминлаш, бу борада конституциявий меъёрларни амалга оширишга интиламиз.

2-қадам. Биз давлат ҳар бир инсоннинг ҳаётини зарур ижтимоий хизматлардан бепул фойдаланишини қонунчилик даражасида ва реал ҳаётда кафолатлашни истаймиз.

3-қадам. Партиямиз эҳтиёжманд аҳоли қатламининг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш учун курашади.

4-қадам. Парламентдаги фракциямиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилиш ташаббуси билан чиқади.

5-қадам. Биз энергетика ва моддий ресурсларнинг катта йўқотишларини истеъмолчилар гарданига юклайдиган коммунал хизматлар етказиб берувчиларининг монополиясига барҳам беришни кўзлаганмиз.

6-қадам. Партия аҳолининг ижтимоий заиф қатламига арзон турар жойлар қурилишини кенгайтириш учун қатъий ҳаракат қилади.

Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин 5 йил ичида ижтимоий аҳоли оғир, яшаш шароитини яхшилашга муҳтож аёллар, фарзандларини тўлик бўлмаган оилادا тарбиялаётган кам таъминланган оналар ва «Меҳрибонлик» уйлари битирувчиларини уй-жой билан таъминлашнинг назоратга олади.

**Қонунчилик палатаси,
халқ депутатлари
вилоят, туман ва
шаҳар Кенгашлари
депутатлигига
сайловларда Ўзбекистон
Халқ демократик
партияси номзодларига
овоз беринг!
Бизга ишонч билдириңг!**

9-қадам. Биз фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз. 6 ёшгача бўлган болаларни мажбурий мактабгача таълим ва тарбия билан тўла қамраб олиш, мактаб ўқувчиларига жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқини тақдим этиш, барча мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида ўқувчилар ва тарбияланувчиларни соғлом озиқ-овқатлар билан кафолатли таъминлаш, олий таълим тизимини ривожлантириш, хусусан, таълим шартномалари нархини оптималлаштириш, эҳтиёжи бор талабаларни турар жойлар билан таъминлаш муҳим вазифа, деб биламиз.

10-қадам. Партия ўқитувчилар ва шифокорларнинг ижтимоий маъқени янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади.

11-қадам. Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий инвестициялар ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурларни амалга оширишни тақдир этиди.

12-қадам. Бизнинг парламент фракциямиз аҳолининг ижтимоий қайфиятига таъсир кўрсатувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизаси механизмини яратишни кўзлаган.

Парламентдаги фракциямиз ҳар бир инсоннинг биринчи галдаги ҳаётини эҳтиёжларини тўлақонли қаноатлантиришни таъминловчи истеъмол саватчаси қиймати асосида яшаш минимуми таърифини қонун билан мустаҳкамлашга эришади.

Шу орқали фуқароларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш, уй-жой, ижтимоий ҳимоя, маданий ҳаётда иштирок этиш ва малакали юридик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқлари кафолатланади.

Ана шу мақсадда партия, илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, кам таъминланган аҳоли қатлами учун кундалик зарур товар ва маҳсулотларни арзон нархларда сотиш бўйича ижтимоий дўконлар тармоғини ривожлантиришни ҳам режалаштирган.

Миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича меъёрини қондаларига мувофиқлаштиришга эришади.

Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин беш йил ичида шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам аҳолини қиммат бўлмаган электр энергия, иссиқлик таъминоти билан таъминлаш бўйича замонавий автоном тизимларни яратишга, бу борада ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга эришмоқчи.

7-қадам. Парламентдаги фракциямиз мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул тақдим этиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхатини қонун билан тасдиқлашга эришишни кўзлаган.

8-қадам. Партиямиз парламент, депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати ёрдамида эҳтиёжманд аҳолига дори-дармон воситалари, протезлаш воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий хизматларни харид қилиш қулай бўлиши учун курашади.

Биз юксак ишончингизни оқлаш ва олдимиздаги 12 қадамни ташлаш учун қатъий курашамиз!